

## ҲОРУН АЛАЙҲИССАЛОМ

15:50 / 28.04.2017 8702

Қуръон Каримда Ҳорун алайҳиссаломнинг номлари йигирма марта келган. У зот Бақара, Нисо, Анъом, Аъроф, Юнус, Марям, Тоҳо, Анбиё, Мўминун, Фурқон, Шуаро, Қасас ва са-Саффот сураларида мазкурдирлар.

У киши Ҳорун ибн Имрон ибн Қоҳис ибн Ловий ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдирлар.

Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломнинг туғишган акаларидир. У киши Мусо алайҳиссаломдан уч ёш катта бўлганлар.

Ҳорун алайҳиссалом фасоҳатли, тили бурро гапга уста бўлганлар. У кишининг айтиши шу хусусиятларини укалари Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ёрдамчи қилиб бериш-ни сўраётганларида эслаганлар:

**«Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ, уни ҳам мен билан юбор, мени тасдиқлайдир. Зеро, улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман», деди».** (Қасас 34)

Яъни, менинг тилимда бир оз дудуқлик бор, оғам Ҳорун эса, тили бурро одам. Кофирлар билан тортишувларда иш беради. Уни ҳам мен билан бирга Пайғамбар қилиб юбор. У ҳам мен билан бирга Пайғамбар бўлиб, мени тасдиқласин.

Аллоҳ таоло «Марям» сурасида Ҳорун алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари ҳақида: **«Ва унга Ўз раҳматимиздан оғаси Ҳорунни Пайғамбар қилиб ҳадя этдик».** (Марям 53)

Ҳорун алайҳиссалом ўз укалари Мусо алайҳиссаломга ёрдамчи пайғамбар бўлганлари учун у киши қаерда зикр этилсалар бу киши ҳам этилган. Бу ҳолни Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларини ўрганиш давомида яққол мулоҳаза қилдик.

Ҳорун алайҳиссаломнинг фаолиятларидаги энг ҳассос ҳолат у зотнинг Бани Исроил ичида Мусо алайҳиссаломнинг ўрниларига қолган пайтлари бўлган.

**«Мусо акаси Ҳорунга: «Қавмимда менинг ўрнимни ол, яхши иш қил, бузғунчиларнинг йўлига эргашма», деди».** (Аъроф 142)

Мусо алайҳиссалом бу гапни Роббил олабийн билан мийқотга кетаётиб айтганлар. У киши кетганларидан кейин Бани Исроил Ҳорун алайҳиссаломга итоат қилмай бузоқни худо қилиб олганлари ва унга боғлиқ бошқа ҳодисаларни Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларида батафсил ўрганилди.

Ҳорун алайҳиссалом 122 йил яшаганларидан сўнг бу дунёни тарк этдилар.  
У зотнинг вафотлари Мусо алайҳиссаломнинг вафотларида ўн бир ой олдин  
бўлган. У киши ҳам тийҳ ерида бўлган.